



## XALQ DEPUTATLARI JIZZAX SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 йил «26» январь

VI-36-15-3-55-K/22

Жиззах шаҳар ҳокимлиги

**Жиззах шаҳар маҳаллий бюджетининг эркин қолдик маблағлари ҳамда даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми ҳисобидagi маблағларни йўналтириш ва қўшимча ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- Бюджет кодексининг 126- моддаларига асосан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шаҳар ҳокимлигининг таклифлари маълумот учун қабул қилинсин.
2. Шаҳар молия бўлими (А.Абдужалилов)га:  
маҳаллий бюджетининг йил бошига шаклланган эркин қолдик маблағлари ҳамда даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 1-иловага мувофиқ тегишли ташкилотларга ажратиш вазифаси юклатилсин.
3. Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши томонидан 2021-йил давомида қабул қилинган қуйидаги қарорларининг тегишли бандлари
  - 25-феврал 112-21-6 сонли Қарор 2-банди
  - 23-март 119-22-6 сонли Қарор 2-банди
  - 10-апрел 133-23-6 сонли Қарор 2-банди
  - 27-июл №VI-27-2-3-55-K/21 сонли Қарор 2-банди
  - 14-август №VI-28-21-3-55-K/21 сонли Қарор 2-банди
  - 10-сентябр №VI-30-38-3-55-K/21 сонли Қарор 2-банди
  - 22-сентябр №31-45-3-55-K/21 сонли Қарор 2-банди
  - 13 октябр № VI-32-47-3-55-K/21 сонли Қарор 2-банди

7019809

15 ноябр №VI-33-69-3-55-K/21 сонли Қарор 2-банди

9-декабр №VI-34-73-3-55-K/21 сонли Қарори 2-банди йил бошига шаклланган эркин қолдик маблағлари ҳисобидан жумласи билан тўлдирилсин. йил бошига шаклланган эркин қолдик маблағлари ҳисобидан жумласи билан тўлдирилсин.

4. Шаҳар газначилик бўлими (А.Расулов)га харид учун ажратиладиган маблағларни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талаблари асосида амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Жиззах шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси (Қ.Наҳалбоев)га иловага мувофиқ ажратилган маблағларни манзилли йўналтириш, мақсадли фойдаланиш кўрсатилган маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ юқоридаги харажатларга йўналтириш вазифаси юклатилсин.

6. Шаҳар халқ таълими бўлими (Б.Камилов), Шаҳар молия бўлими (А.Абдужалилов), шаҳар ҳокими ўринбосари (Х.Оналбоев), Жиззах шаҳар ободанлаштириш бошқармаси (А.Қобилов) шаҳар тиббиёт бирлашмаси (Ш.Зулфикоров)ларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифалари топширилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Тожибоев зиммаларига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



К.Нолмуродов

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар  
Кенгашининг  
2022 йил 26 январдаги  
VI-36-15-3-55-К/22-сон қарорига  
1-илова

маҳаллий бюджетнинг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳамда даромадлар  
режасини ошириб бажарилган қисми ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар

№	Маблағ ажратилган ташкилот	Мақсади	Маблағ миқдори
1	Шаҳар халқ таълими бўлимига	Жиззах шаҳридаги 21-сонли умумтаълим мактабининг чегара ҳудудидаги деворини жорий таъмирлаш ишлари учун	65000,0
2	Жиззах шаҳар ҳокимлигига	Жиззах шаҳар 3-сектор котиби Т Қобилловни моддий рағбатлантириш учун	5 000,0
3	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси	"Ассалом тонг" соғломлаштириш гимнастикаси бўйича ўтказиладиган мусобақа сарф-харажатлари учун	5 452,0
4	Жиззах шаҳар ҳокимлигига	Жиззах шаҳрида пажимой химояга муҳтож оилалар фарзандларини янги йил совғалари билан табриклаш учун	150000,0
5	Жиззах шаҳар ҳокимлигига	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таълим олаётган 5 нафар ешларнинг 2-босқич шартнома маблағини тўлаб бериш учун	41766,7
6	Жиззах шаҳар ҳокимлигига	Жиззах шаҳридан тиббиёт йўналишида Олий таълим муассасалари ординатурада тахсил олаётган талабаларига шартнома маблағини тўлаб бериш учун	167960,0
7	Жиззах шаҳар ҳокимлигига	Жиззах шаҳрида ҳоким ердәмчилари учун ташкил этилган ўқув амалий машғулотларда машғулот иштирокчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш учун	7400,0
8	Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси	Жиззах шаҳрини ободонлаштириш мақсадида чиқинди ташлашга мўлжалланган чиқинди қутиллар харид қилиш учун	187500,0
9	Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси	Жиззах шаҳридаги И Каримов ва А Навоий кўчаларидаги тунги ёриткичларга электр жиҳозлари, электр безаклар ва гул кўчалари харид қилиш учун	355000,0
10	Жиззах шаҳар ҳокимлигига	Жиззах шаҳар ҳокимлигида мавжуд хизмат автотранспорт машиналарини таъмирлаш харажатлари учун	50000,0
11	Жиззах шаҳар ҳокимлигига	Жиззах шаҳар ҳокимлиги ходимларини 2022-йил ҳар ойда бир ойлик иш ҳақи миқдоридан моддий рағбатлантириш учун	Смета ва штаат жаadwalига асосан
12	Жиззах шаҳар ҳокимлиги молия бўлими	Жиззах шаҳар ҳокимлиги молия бўлими ходимларини 2022-йил ҳар ойда бир ойлик иш ҳақи миқдоридан моддий рағбатлантириш учун	Смета ва штаат жаadwalига асосан
13	Шаҳар ҳокимлиги	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли қарорига асосан	Йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағларининг 30% ни ўтказиш учун
14	Шаҳар ҳокимлиги	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги "Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига асосан	Йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағларининг 25% ни ўтказиш учун

15	Шаҳар ҳокимлиги	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.2021 йилдаги "Ешларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 132-сонли қарорига асосан "Ешлар дафтари" жамғармасига	Йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағларининг 15% ни ўтказиш учун
16	Шаҳар ҳокимлиги	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.03.2021 йилдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5020-сонли қарорига асосан "Аёллар дафтари" жамғармасига	Йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағларининг 15% ни ўтказиш учун
17	Шаҳар ҳокимлиги	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-ф-сон фармойишига асосан "Саҳоват ва кўмак" жамғармасига	Йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағларининг 15% ни ўтказиш учун
18	Жиззах шаҳар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими	Жиззах шаҳар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимларини 2022-йил ҳар ойда бир ойлик иш ҳақи миқдоридан моддий рағбатлантириш учун	Смета ва штаат жаadwalига асосан
<b>Жами</b>			<b>1 035 078,7</b>